

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САЊАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Муסיқий- назарий фанлар кафедраси

Мавзу: Ўлчовлар

КУРС ИШИ

**Бажарди:” Кино, телевидение ва радио
санъати факултети КТ (ФЭЖР)
1-курс талабаси Ниғматуллаева Ф**

**Қабул қилди “Муסיқий назарий -
фанлари” кафедраси катта
ўқитувчиси Абророва М.Ф**

Тошкент 2014

Мундарижа

1. Кириш.....	3
2. Мусиқий зарб. Метр, ўлчов, такт. Такт чизиғи. Такт олди.....	4
3. Оддий метрлар ва ўлчовлар. Оддий ўлчовли тактлардаги чўзимларнинг туркумланиши.....	5
4. Мураккаб метрлар ва ўлчовлар. Мураккаб метрли тактларда чўзимларнинг туркумланиши.....	8
5. Аралаш метр ва ўлчовлар. Аралаш ўлчовли тактларда чўзимларнинг туркумланиши.....	14
6. Ўзгарувчан ўлчовлар.....	16
7. Чўзимларни ўзайтирувчи қўшимча белгилар. Паузалар	18
8. Хулоса.....	20
9. Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	21

Кириш

Санъатнинг энг муҳим ва кенг халқ оммасига кириб борувчи турларидан бири мусиқа санъатидир. Унда бадий мазмун товушлар (оханг) орқали баён этилади ва мусиқанинг ўзига хос ифода воситаларини ўзаро боғловчи муайян қоидаларга асосланади.

Мазкур қоида ва анъаналар халқ (фольклор) ҳамда мумтоз мусиқасининг (мақомлар ва мақом йўлидаги куй ва ашулалар) асрлар давомида вужудга келган тажрибаси натижасида вужудга келган.

Мусиқавий товушнинг назарий жиҳатдан тўрт хил физик хусусияти мавжуд. Улар **баландлик, узунлик (чўзим), қаттиқлик (товуш кучи) ва тембр** (товуш туси) дан иборат.

Янграётган **товушнинг чўзими** тебранаётган жисмнинг тўлқин амплитудасига боғлиқдир. Товушнинг узун ёки қисқалигидан унинг физик характери ўзгармайди, лекин мусиқа нуқтаи назаридан товушнинг чўзими унинг яна бир хусусияти бўлиб, муҳим аҳамиятга эгадир. Товуш чўзими товуш манбаи тебранишининг давом этишига боғлиқ бўлади. Масалан, товуш чиқа бошлаганда товуш манбаининг тебраниши қанчалик кенг бўлса, товушнинг пасайиб бориши ҳам шунча узоқ давом этади. Бунда албатта, товуш манбаи бўлган жисм эркин тебраниши шарт.

Мусиқий оҳанглари қоғозда акс еттиришга уринишлар тажрибаси узоқ асрларга бориб тақалади. Буларга табулатура, хоразм танбур чизиғи ва х.к.ларни киритиш мумкин. Ҳозирги кунда дунё мусиқа амалиётида қўлланиладиган нота ёзуви ягона стандартларга асослангандир. Мусиқий товушлар ноталар¹ воситасида ёзилади. Улар ўртаси бўш ёки бўялган доирачалардан иборат бўлади.

Муסיқавий зарб. Метр, ўлчов, такт. Такт чизиғи. Такт олди

Муסיқа амалиётида товушлар маълум бир вақт давомида янграйди. Товушларнинг маълум бир вақтларда тенг ҳиссаларга бўлиниб, алмашиб туриши муסיқада бир текис, равон ҳаракатни ҳосил қилади.


Товушларнинг ана шу вақтли ҳаракати пайтида айрим ҳиссалар **урғуси** ажралиб туради. Бу урғуларга **зарб** (актсент) дейилади.

Ушбу вақтли ҳаракат жараёнида урғу тушадиган ҳиссалар **кучли ҳиссалар**, урғу тушмайдиган ҳиссалар эса **кучсиз ҳиссалар** дейилади.

Кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг текис алмашилиб туриши **метр** дейилади. Метр ҳиссаси хилма-хил чўзимларда ифодаланади.

Метр ҳиссасининг маълум бир чўзимда ифодаланиши **ўлчов** дейилади.

Ўлчовлар нота чизиғида вертикал тарзда жойлашган иккита рақам билан ёзилади. Бу рақамлар бирин-кетин юқоридан пастга қўйилган бўлиб, калит ёнида альтератсия белгиларидан сўнг жойлаштирилади. Масалан:



Бунда устки рақам метрдаги ҳиссалар сонини, қуйидаги рақам эса, мазкур ўлчовдаги метр ҳиссасининг қандай чўзимда ифодаланганлигини билдиради.

Муסיқа асарининг бир кучли ҳиссадан иккинчи бир кучли ҳиссагача бўлган оралиғи **такт** дейилади.


Нота ёзувида ҳар бир такт нота йўлини кўндаланг кесиб ўтган вертикал чизиқ билан ажратилади, бу вертикал чизиқ **такт чизиғи** дейилади. Такт чизиғи одатда такт олдидан кучли ҳиссани ажратиш учун қўйилади.

Оддий ўлчовлардаги чўзимлар туркумланиши тартибида кўйидаги истисноларга йўл қўйилади:

- 1) Бир хил бўлган барча чўзимлар умумий чизик (ковурғача) остига бирлаштирилади.

Масалан:

а)



Тактнинг ниҳоят кичик ҳиссали $\frac{3}{8}$ ўлчовида куйидагича туркумланишига йўл қўйилади:


б)



ва ҳоказо

- 2) чўзими бутун бир тактни эгаллаган товуш лигасиз, бир нота билан ёзилади;
- 3) агар нота метр ҳиссасини бошлаб берадиган нота бўлса, унинг ёнига нуқта қўйилади.

Масалан:



Ноталар қандай туркумланса, паузалар ҳам шундай туркумланади. Оддий ўлчовлардаги туркумлаш мисоллари:

Allegro con brio
(Тез, жонлиқ)

А. Губанков, "Миноратюр",
кварт. 8, №7

Andantino cantabile ♩ = 80
(Характерлик, оқшарор)

В. Косенко, "Куп",
кварт. 15, №12

Allegro
(Тез)

В. Гаждар, "Куп",
кварт. 15, №12

Мураккаб метрлар ва ўлчовлар. Мураккаб ўлчовли тактларда чўзимларнинг туркумланиши

Бир хилдаги оддий метрларнинг қўшилиши натижасида мураккаб метрлар ҳосил бўлади.

Мураккаб метр икки ва ундан ҳам кўпроқ оддий метрлардан таркиб топиши мумкин. Шунинг учун ҳам мураккаб метрлар вақт-вақти билан учрайдиган бир неча кучли ҳиссага эгадир. Ҳамиша мураккаб метрдаги кучли вақт ҳиссасининг сони унинг таркибидаги оллий метрлар сонига тенг бўлади.



Мураккаб метр биринчи ҳиссасининг зарби қолган зарбларга нисбатан кучлироқ бўлади ва шунинг учун бу ҳиссага **кучли ҳисса**, унга нисбатан кучсизроқ бўлган ҳиссага эса, **нисбатан кучли ҳисса** дейилади.

Мураккаб метрларни ифодаловчи барча ўлчовлар **мураккаб ўлчовлар** дейилади. Шу сабабли мураккаб метрларнинг таркиби борасидаги фикрлар мураккаб ўлчовларга ҳам тааллуқлидир.

Мураккаб метрларни ифодаловчи энг кўп қўлланиладиган ўлчовларга куйидаги мураккаб ўлчовлар киради:

а) тўрт ҳиссали ўлчовлар: $\frac{4}{2}; \frac{4}{4}$ кам учрайдигани: $\frac{4}{8}$.


б) олти ҳиссали ўлчовлар: $\frac{6}{4}; \frac{6}{8}$.





кам учрайдигани $\frac{6}{16}$.

в) тўққиз ҳиссали ўлчовлар: $\frac{9}{4}; \frac{9}{8}$.



кам учрайдигани: $\frac{9}{4}; \frac{9}{16}$.

г) ўн икки ҳиссали ўлчовлар: $\frac{12}{4}; \frac{12}{8}$.

Маршеобразно Испанская народная песня «Сыны народа»

кам учрайдигани: $\frac{12}{16}$


д) $\frac{3}{8}$ ўч ҳиссали ўлчовлар

Умеренно Белорусская народная песня

е) $\frac{5}{4}$ беш ҳиссали ўлчовлар

Con moto (Подвижно) М. Ганька, «Иван Сусанин»

ж) $\frac{3}{2}$ ўч ҳиссали ўлчовлар



Мураккаб ўлчовларда туркумлаш шундан иборатки, уларни ташкил этган оддий ўлчовлар умумий ритмик туркумларга бирлаштирилмай, айрим-айрим мустақил туркумларга бирлаштирилади.

Агар товуш бирор мураккаб тактни бутунлигича эгалласа, умумий чўзимли товуш шаклида, бирор нота билан ёзилади. Баъзан эса, чўзимли оддий тактларга тенг келадиган, лига билан бирлаштирилган ноталар ёрдамида ҳам ёзилиши мумкин. Бу охириги усул мураккаб ўлчовларни туркумлаш қондасига мос келади.

Larghetto
(Равои, чўзимасдан)

б) Финал

First system of musical notation. The vocal line (top staff) features a long, sustained note with a slur underneath. The piano accompaniment (bottom staff) consists of a steady eighth-note pattern. The system is divided into two measures by a bar line.

Second system of musical notation, continuing the vocal and piano parts from the first system. The vocal line continues with a long note, and the piano accompaniment maintains its eighth-note pattern.

Allegretto


в) (Жонхамб)

С. Рахманилов. "Сирень",
 выход 21
p sempre

Third system of musical notation. The vocal line (top staff) includes the lyrics "По ут-". The piano accompaniment (bottom two staves) features a melodic line with a slur and a piano dynamic marking (*p*).

tranquillo


ру. на за- ре,




по ро- си- стой тра- ве

mf cantabile

и п р о с о т е п .




я пой- ду све- жим ут- ром ды-



a tempo

шать.

p



Аралаш метр ва ўлчовлар. Аралаш ўлчовли тактларда чўзимларнинг туркумланиши

Ҳар қандай оддий метрларнинг қўшилиши натижасида мураккаб метрлар ҳосил бўлади. Икки ёки бир неча ҳар хил кўринишдаги оддий метрлар бирлашуви натижасида мураккаб аралаш метрлар ҳосил бўлади. Бу хилдаги метрлар **аралаш метрлар**, уларни ифодаловчи ўлчовлар эса **аралаш ўлчовлар** деб аталади.

Муסיқада аралаш ўлчовлар оддий ва мураккаб ўлчовларга қараганда анча кам учрайди. Булар орасида беш ҳиссали ва етти ҳиссали ўлчов кўпроқ қўлланилади. Баъзида аралаш ўлчовларнинг бошқа хиллари ҳам учраши мумкин.

Масалан: $\frac{11}{4}$.


Аралаш ўлчовлар мураккаб ўлчовлардан айрим хусусиятлари билан фарқ қилади.

1. Аралаш ўлчовларнинг тузилиши уларни ҳосил қиладиган оддий ўлчовларнинг кетма-кет келишига боғлиқдир. Бу эса, кучли ва нисбатан кучли ҳиссаларнинг алмашилиб туришига ҳам таъсир этади:

2. Тактнинг кучли ва нисбатан кучли ҳиссаларининг алмашилиб туриши текис бормади. Масалан: а) беш ҳиссали ўлчовлар:



Юқори, биринчи мисолда актсент тактнинг биринчи ва учинчи ҳиссаларига, иккинчи мисолда эса тактнинг биринчи ва тўртинчи ҳиссаларига тўғри келади. б) етти ҳиссали ўлчовлар:



Бунда биринчи мисолда кучли зарб тактнинг биринчи, тўртинчи ва олтинчи хиссаларига, иккинчи мисолда эса тактнинг биринчи, учинчи ва бешинчи хиссаларига тўғри келмоқда. Айрим вақтларда бир мусиқа асари ичида аралаш ўлчовни ҳосил қиладиган ўлчовларнинг алмашилиш тартиби ўзгариб ҳам туради.

Аралаш ўлчовли ноталарни ўқиш қулай бўлиши учун, баъзида ўлчовни кўрсатувчи асосий рақам ёнига қавс ҳам ёзилади. Бундан ташқари, баъзан тактда оддий ўлчовлар бошланишини кўрсатувчи пунктир билан қўшимча такт чизиғи ёзилади.

Мураккаб ўлчовли чўзимлар қандай туркумланса, аралаш ўлчовли чўзимлар ҳам шундай туркумланади. Аралаш ўлчовли чўзимлар туркумланишининг хусусияти шуки, аралаш ўлчовлар таркибига кирадиган ҳар хил кўринишдаги оддий ўлчовларнинг ритмик туркумлари тенг бўлмайди.

Andante

В. Калининков: "Мунгли қўшиқ"

(3+2) (Осойишта)

The musical score consists of two staves. The upper staff is in treble clef and contains the melody. The lower staff is in bass clef and contains the accompaniment. The time signature is 4/4. The tempo is marked 'Andante'. The score includes a fermata over the first measure, a dynamic marking 'p', and various musical notations such as slurs and accents. The score is divided into measures by vertical bar lines.



Moderato
(Ўргача)

П. Чайковский.
"Мазепа" операсидан қизлар хори

2 + 3

Я за- вью, за- вью ве-нок мой ду- шис- тый.

A musical score for voice, consisting of two staves. The top staff is in treble clef and the bottom staff is in bass clef. The key signature has one flat (B-flat). The tempo is marked 'Moderato'. The time signature is 2 + 3. The lyrics are in Russian: 'Я за- вью, за- вью ве-нок мой ду- шис- тый.'

Ўзгарувчан ўлчовлар

Муסיқада бир асар давомида метрнинг, айна пайтда ўлчовнинг ҳам ўзгариб туриш ҳоллари учрайди. Бундай ўлчовлар *ўзгарувчан ўлчовлар* дейлади. Ўзгарувчан ўлчовларни халқ кўшиқларида ва бошқа турли муסיқа асарларида учратиш мумкин.

Ўлчовлар текис ва нотекис алмашинадилар. Ўлчовлар текис алмашса, калит белгиси ёнига каср шаклида иккита рақам қўйилади. Ўлчовлар нотекис алмашиб турса, нота матнида ўлчовларнинг ҳар бир ўзгариши ёзиб қўйилади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, бу хилдаги такт тузилиши муסיқада деярли учрамайди.

Муסיқада хилма-хил метрларнинг бирданига (устма-уст) келиши ҳам учрайди, бунга **полиметрия** дейлади. Полиметриянинг туб хусусияти муסיқа асарларидаги айрим овоз (партия)ларнинг хилма-хил метр ўлчови билан ифодаланишидир. Бунда метр актсентлари бир-бирларига мос тушиши ва мос тушмаслиги ҳам мумкин.

Andantino

(Харакатчан)

Латиш халқ кўшиғи

mf

f

mf

(Унчалик секинлетмай)

Рус халқ кўшиғи "Повань,
бурь-погодушка" А. Свешников
қайта ишлаган

По- вьянь по- вьянь, бурь- по- го- душ-
ка, во мой зе- лен сад. Во мой
зе- лен сад. В мо- ем са- ду, да во
са- ди- ке ка- ли- на рас- тёт.

tr

Lento

(Чўзиб)

С. Рахманинов.
"Уж ты, нива моя", ижод 4, №5

mf

Уж ты, ни- ва мо- я, ни- вуш- ка
не ско- сить те- бя с ма- ху е- ди- но- го,
не свя- зать те- бя всю во- е- ди- ный сноп!
ж вы, ду- мы мо- и, ду- муш- ки

Товушларнинг асосий чўзимлари қуйидаги ноталар билан белгиланади:

Бўялмаган овал энг катта чўзимидир-бутун чўзимдаги нота

Бутун чўзимнинг тенг ярми(1/2)-

Яримталиқ чўзимдир

Яримталиқ чўзимнинг тенг ярми(1/2)

Ёхуд бутун чўзимнинг чораги(1/4)

Чоракталиқ чўзимдир

Чоракталиқ чўзимнинг тенг ярми(1/2),

Ёки яримталиқ чўзимнинг чораги(1/4),

Ёки бутун чўзимнинг саккиздан бир қисми(1/8)

саккизталиқ чўзим ёки нимчоракдир.

Саккизталиқ чўзимнинг тенг ярми(1/2)



Чўзимларнинг асосий бўлиниши деганда, ҳар қандай чўзимнинг иккита тенг майдароқ чўзимга бўлиниши назарда тутилади.

Чўзимларни узайтирувчи қўшимча белгилар.



Паузалар

Нота ёзувида асосий чўзимларни узайтирувчи қўшимча белгилар ҳам тез-тез қўлланилади. Буларнинг қаторига нота ёнига (ҳамиша ўнг томонидан) қўйиладиган **нукта**, ёнма-ён турган бир хил баландликдаги ноталарни бирлаштирувчи **лига**¹, нота тепасидан ёки остидан қўйиладиган **фермата** киради.

Нукта – товуш чўзимини тенг ярмига узайтиради:

Бутун чўзим нуктаси билан ўз ичига учта яримталиқ чўзимни олади;

Нуктали чорак чўзим учта нимчоракнинг умумий чўзимига тенг бўлади; ва ҳоказо.



Лига – боғлаб турган ноталар чўзимиларининг умумий миқдорига тенг чўзимни ҳосил қилади. Масалан: бутун билан яримталиқ лига орқали қўшилиши натижасида учта яримталиқнинг умумий миқдорига тенг чўзим ҳосил бўлади;

Фермата - товуш чўзимини чекланмаган вақтга узайтиради. Бундай товушнинг узунлиги асарнинг характери ҳамда ижрочининг дидидан келиб чиқади.

Пауза деб мусиқий асардаги битта, иккита ёки барча овозлар янграшининг муайян вақтга тўхталишига ва унинг белгисига айтилади.

Пауза чўзимлари худди товуш чўзимларидек ўлчанади ҳамда фақат нукта ёрдамида узайтирилади.

Хулоса

Муסיқавий товушларни ёзиб олишга бўлган дастлабки уринишлар жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Антик даврга мансуб бир қанча муסיқавий асар ёдгорликларига қараганда уларда товуш баландликлари ҳарфлар билан белгиланган, аммо улар товуш чўзимларини кўрсата олмаганлар.

Қадимий Русда маълум бир мелодик аҳамиятга эга бўлган, куй товушлари юналишларини акс эттирувчи “крюклар” деб аталувчи махсус белгилар қўлланилиб, улар ёрдамида куйлар ёзиб олинган.

Ғарбий Европада ўрта асрларда товушларни ёзиш учун “невма” лар деб аталадиган алоҳида белгилар қўлланилиб, улар товушнинг аниқ баландлигини, унинг чўзимини кўрсатмасдан, фақат мелодик чизиқнинг юналиши ҳақида тассавур ҳосил қилган, холос.

Ёзувнинг бундай турларини такомиллаштириш зарур эди.

Невмалар билан ёзилган товушларнинг баландлигини аниқлаш учун муסיқа асбобларига тортилган торларни эслатувчи чизиқлардан фойдаланила бошланди. Дастлаб уларнинг сони ноаниқ бўлиб (1 дан 18 га), уларнинг ҳар бири аниқ баландлик аҳамиятига эга бўлмасдан, қайси товуш юқори, қайсиниси паст эканлигини кўрсатган, холос.

XI асрда Италиялик муסיқа назарийчиси Гвидо Аретссо 4 та чизиқдан фойдаланишни таклиф қилиб, ҳозирги нота ёзувиге асос солган.

Давр тақозоси билан нота белгилари кўринишларини ўзгартирдилар, 4 та чизиқ ёнига 5 чиси қўшилди, аммо XI асрда киритилган нота ёзуви асослари ҳозирги кунгача сақланиб қолди.

Хулоса қилиб айтганда, муסיқавий асарларни ёзиш учун товушларнинг аниқ баландлиги ва чўзимларини, шунингдек, уларнинг пулсатсияси, ритми, темпи, динамикаси ва ҳ.к. ларни аниқ акс эттирувчи, такомиллашган ҳозирги нота ёзуви тизими ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1) В.А.Вахромеев “Музиканинг элементар назарияси” ўзбекча иккинчи нашри, Тошкент “Ўқитувчи” 1980й
- 2) Қадамбой Раҳимов “Музиканинг элементар назарияси” , “Муסיқа” нашриёти Тошкент 2007й
- 3) Б.Калмыков , Г. Фридкин “Сольфеджио” Москва “Музыка” 1984
- 4) Акбарова И.А “Муסיқа луғати” Т. Ўқитувчи 1997-384 б
- 5) Матёқубов О “Оғзаки анъанадаги профессионал муסיқий асосларига кириш” Т. Ўқитувчи 1983-64 б
- 6) Раҳимов Қ “Музиканинг элементар назарияси бўйича машқ ва вазифалар тўплами” Тошкент 2006
- 7) Мехийева Л.В “Музыкальные словари в рассказах музыка” 1984-168с